ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АМАЛИЙ ТАСНИФИ ХУСУСИДА

Неъматов Зиёмуҳаммад
ўқитувчи
Низомий номидаги ТДПУ.
https://doi.org/10.5281/zenodo.7680286

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда.

Таълим таркиби янги процессуал маҳоратлар, ахборотлар билан ишлаш қобилиятининг ривожланиши, илмий муаммо ва бозор амалиёти ижодий ечимининг таълим дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Ахборотнинг анъанавий усуллари оғзаки ва ёзма нутқ, телефон ва глобал масштабли телекоммуникацияларни ишлатиш билан алмаштирилмоқда.

Педагогик жараённинг муҳим таркибини талаба билан педагогнинг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ташкил этади. Ижтимоий билимга тенг бўлган педагогик технологияларнинг шаклланишида фаннинг роли ортиб бормоқда.

Педагогик таълим технологияларнинг психологик-педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади:

1) ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиш, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиш;

2) билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш;

3) ўртача талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг дифференциалланган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш;

4) талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши ишлатилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда

давлат таълим тизимининг янги шакллари (қўшимча ва альтернатив) нинг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда педагог, бошқарувчи кенг кўламли замонавий инновацион технологиялар, ғоялар, ўқув муассасалар, йўналишларда маълум бўлган нарсаларни қайта очишга вақтини сарфлаш керак эмас.

Бугунги кунда саводли мутахассис бўлиш учун таълим технологияларнинг ҳаммасини ўрганиш лозим.

Ҳозирги вақтда педагогик луғатда педагогик технология тушунчаси мустаҳкам ўрнашган. Адабиётларда ўнлаб таърифларни учратиш мумкин. Келинг уларнинг баъзиларини қараб ўтайлик. Жумладан, педагогика фани ва амалиётида «педагогик технология», «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси» каби атамалардан кенг фойдаланилмоқда. Қўйида уларнинг баъзиларини кўриб чиамиз:

«Технология» - юнонча икки сўздан – **«технос» (techne) –** маҳорат, санъат ва **«логос» (logos)** – фан, таълимот сўзларидан ташкил топган. Бу ифода хозирги кунда замонавий технология жараёнини тўлиқ тавсифлаб беролмайди.

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади. Технология бирор бир нарсани яратишни муайян кетма - кетлик ва тартибда амалларни бажариш жараёнидир. Оддий мисол тариқасида ўзбек миллий таомларидан бири - палов тайёрлаш техно- логиясини олайлик. Ушбу таомни тайёрлаш муайян кетма - кетликдаги, маълум тартибдаги (жумладан, вақт бўйича ҳам) амалларни бажаришни талаб этади. Уни тайёрлаш жараёнини палов тайёрлаш технологияси, деб аташ мумкин.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян кетма - кетликда, тартибда ва шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин.

Техник технология қуйидагиларни билдиради:

- хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни олиш, уларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўллари ва усулларининг йиғиндиси (технологиянинг жараёнли – баёнли аспекти);
- юқорида кўрсатилган йўллар ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи фан. Технологиянинг фан сифатидаги вазифаси, моддий ресурслар ва вақтни энг кам сарфлашни талаб қиладиган самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ҳамда амалда қўллаш мақсадида қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий аспекти);
- жараённинг ўзи – қазиб олиш, топиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, ташиш, омборга жойлаш, сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришни техник назорат қилиш (технологиянинг жараёнли – ҳаракат аспекти).

Ишлаб чиқаришда «технология» сўзидан келиб чиқадиган қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

-технологик жараён – ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов беришнинг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларнинг йиғиндиси.

-технологик операция – ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган, якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

-технологик харита – маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш технологик операцияларнинг кетма-кетлигини баён қилувчи техник ҳужжат;

-технологик режа – технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операцияларнинг вақти, шартларини белгилайди.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига мос ҳолда қўллайдиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян кетма - кетликда, тартибда ва шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология деса бўлади (Б. Зиёмуҳаммедов).

Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлганлигидан даставвал АҚШда XX асрнинг 70-йилларида психологиянинг бихевиоризм оқими заминида юзага келиб, бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалиб кетди.

Ер юзи мамлакатлари икки қарама-қарши лагерга бўлиниб, совуқ уруш авжига чиққан даврда социализм тарафдорлари бу ижтимоий ҳодисани мафкура нуқтаи назаридан тан олмай, кўп йиллар давомида уни кўр-кўрона инкор қилиб келишди.

XX аср 90-йилларнинг бошида социализм нураб, унга аъзо бўлган давлатлар бирин-кетин мустақил бўлганидан кейин, ҳар жиҳатдан тараққий этган хорижий мамлакатларга, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам кенг йўл очилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алоқалар ўрната бошладилар. Натижада юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қатори жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини чулғаб олди. Педагог олимлар томонидан педагогик технология тушунчасига ўнлаб таърифлар берилган. Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П. Беспальконинг фикрича: « Педагогик технология (ПТ) – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик мувафаққиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир».

Россия олимларидан В.М. Монахов: «ПТ – аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир», - деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

«ПТ – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”, - дейди В.М. Монахов.

. Демак, педагогик технологиянинг иккита муҳим хусусиятини таъкидлаш мумкин. Биринчиси, тизимлилиги бўлса, иккинчиси, муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич педагогик муолажалар амалга ошириладиган жараён эканлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Toshpulatova M.I. The Use of Information and Communication Technologies in Mathematics Lessons. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 12, 2020 | Doi: https://doi.org/10.37522/tajssei/Volume05Issue12-02 Pages: 8-14
2. Toshpulatova M.I. Psychological And Pedagogical Conditions Of Formation Of Research Competences In Younger Schoolboys Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, Vol. 12, Issue-06, 2020. Pages:1154-1158
3. Toshpulatova M.I. Professional-oriented content of math training for future primary teachers - presentation of an integrative trend European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 8, 2020 Part II ISSN 2056-5852. shttp://www.idpublications.org/ejrres-vol-8-no-8-2020-part-ii/ Pages:11-119